

ҲОСИЛ ЖОНҚУЯРЛАРИ

АГРОНОМ

Колхоз бошқармачиси секретардан бошқа ҳеч кимни учратолмади.

— Бундай пайтда раҳбарлар ҳам, мутахассислар ҳам далада бўлишиди, — деди у жилмайиб. — Уларни топиш учун бригадаларни айланиш керак бўлади.

— Аслида бизга бош агроном керак эди.

— Ҳа, Эркин. Раҳматов керак, дегилар. Ундай бўлса, биринчи бригадани бошқаришга керак экан. Агроном ўша бригадани бошқарган, дегилар эдилар.

Агрономни қидириш баҳонаси билан тушганча дала кезишга тўғри келди. Ҳамма ерда иш қизибди. Дон учун экилган макмажхори ни ўриб янчадиган. «Херсон» — 7-комбайнлари юксак унум билан ишляпти. Дон ва майдаланган макмажхори поёси ортлган телелкалар дала, ферма ва оғор ўртасида ти-нисиз қатнаб турибди.

Бир ёқда пишиб етилган картошка комбайнлар ёрда-мида қазиб олинмоқда. Кеч-ки боднинг экилган карто-лар ҳам колхозчилар билан тавжум. Ҳосили етилиб қол-гани учун парвариш янада кучайтирилган.

Агрономни шу ерда учрат-дик. Тушди дам олиш пайти яқинлашиб қолгани учун у бизни дала шийонида бош-лади. Қуюқ дарахтлар ости-даги сўрилар атрофида сув сепилган. Ҳавоси тоза, сал-қин. Гир-гир шабада эсиб ту-рибди. Қозонда тушкан ов-қат қайнапти. Ошпаз аёл сўриларга кўрпача тўшаб, дастурхон ёзибди, бизни ўти-ришга таклиф этди. Ўзи чой дамлаб келди.

Бир пилладан чой ичишга улгурмасиздан колхоз-чилар ҳам бирин-кетин ший-онга йиғилишди. Мазаали тушлик овқатдан сўнг қизинг бошланган суҳбат механизатор коржомасиди йигит кел-диш билан ўлдирди қолди. У ҳамма билан ёлпасига салом-лашди-ю, агрономга юзлан-ди.

— Хайрият, шу ерда экансиз. Иккинчи чағони чи-ди. Бир кунимиз бекор ўти-диган бўлди.

— Ҳа, нима гап ўзи? Ёки машинанг бузилди қолди?

— Йўқ, машина эгарлан-ган отайди-ю... 4-бригадани ўтсам, «бизга комбайн ке-ракмас, ўзимиз қўлда йиғиш-тириб оламиз» дейишди. Мамлакатда керак эди, энди бўлса йўқ эмиш. Ўзингиз «бормасангиз бўлмайдингиз» ўхшайди.

— Агроном зудлик билан 4-бригадани йўл олди. Биз ҳам ҳамроҳ бўлдик. Ҳақиқатан ҳам колхозчилар картошкани қўлда териб олишадиган экан. Буни қўриб агроном-нинг жигибойгани чиқди.

— Ҳаммадан кутсам ҳам сиздан кутмаган эдим, Озод ака, — деди у ачиқ киноя билан. — Ким айтди сизни тушунган одам деб.

— Мен унга терматик деб-миз, тераверсин. Бир то-монда трактор, иккинчи то-монда колхозчилар таради, дедим холос.

— Бу нима деганингиз? Унда комбайннинг нима ке-раги бор? Колхозчиларга осон бўлсин, вақт тежалсин, деб шундай қиялмиз-ку, ахир.

— Шундайми? Бўлмаса, гапининг пўст калласини эши-тинг. Вақт тежалсин дейсиз-у, шунча қилган меҳнатини сувга оғиб кетса майлими? Менга ҳосил керак. Колхоз-чилар ҳам шунинг тарафдо-ри. Пешона термиз билан парвариш қилдикми, йиғиш-тириб олишга ҳам қўрқимиз етди.



ЯНГИЙЎЛ районидаги «Интернационал» колхозни канопозорларида ўрим-йиғим ишлари кенг кўламда авж олдириб юборилган. Кунлик суръатда Амуриш Салмон ўғли бошланг бригадани коллективни пешқадамлик қилаётир. Суратларда: (ўнгдан) илгор колхозчилардан С. Маилова билан Тоғагул Шахи қизи кунлик нормани 1,5 ҳиссадан ошириб бажаришпа-ти; ўрим пайти.

ХАЛҚАРО АХВОЛ

ИМПЕРИАЛИСТИК АРАЛАШУВГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Бугун Марказий Африкада-ги давлат — Чаддаги ахвол халқро империализмнинг айби билан низоҳатда хатарли туш олмақда.

Чад Республикаси Марка-зий Африканинг континентал қисмида жойлашган. Террито-рияси — 1 миллион 284 минг квадрат километр. Аҳолиси — 4 миллион 200 минг киши. Пойтахти — Нجامе́на шаҳри.

Чад 1960 йилнинг 11 август-ида мустақиллигини қўлга ки-ритган. Мамлакат сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўли-дан кета бошлаган.

Маълумки, кейинги пайтлар-да Нجامе́надаги Хиссен Ха-бреннинг халққа қарши режими билан миллий бирлик му-ваққат ҳукумати қўшилари ўртасида жанглар кескин туш олди. Яқинда ТАСС баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, Чадда содир бўлаётган воқеа-ларга империалистик кучлар-нинг аралашуви тобора кенг туш олмақда. Улар очикчасига Хабре режимига қарбий ёр-

дам кўрсатиш йўлига ўтдилар. Бу ерга Америка Қўшма Штатлари ва Франциядан ҳар-бий кўрсаткич, ракеталар тин-май келирилмоқда. Матбуот хабарларига кўра, Пентагон Чадга 25 миллион доллар ҳаж-мида қарбий анжомлар жўнат-ди. Нجامе́нанинг бугунги хў-жайинларига Судан, Мисрдан ҳам тинмай ёрдам кўрсатил-моқда.

Франция, Америка Қўшма Штатлари, Ғарбдаги бошқа баъзи мамлакатлар рибкорона йўл тутиб, Африка халқлари устидан ўз ҳукмронлигини қайта тиклашга, уларнинг су-веренитетини чеклашга урин-моқдалар. Хабре томонидан аяқбай босқинчиларнинг му-таазам қўшилари, жумладан, Заир командослари жанг қил-моқдалар. Бу ерга Америка Қўшма Штатлари ва бошқа Ғарб мамлакатларининг Чадда тузаётган хатарли режалари ва бу қалтис қадамларинг оғир оқибатларга олиб кели-шни алоҳида кўрсатиб ўт-

ВАШИНГТОН БИЛАН ПРЕТОРИЯ ГАЗАНДАЛАРГА РАҲБАРЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР

ЛУАНДА. 23 август. (ТАСС). УНИТА деб номлан-ган ва Анголага қарши кура-шаётган газандаларнинг тў-далари Жанубий Африка офицерлари ва инструктор-лари кўмондонлигида Анго-ла Халқ Республикасининг турли аҳоли пунктларида, айниқса мамлакат жанубида террорчилик операцияларини ўтказмоқдалар. Улар Ва-шингтон билан Претория биргаликда ишлаб чиққан планга мувофиқ иш тутиб, стратегик жиҳатдан муҳим аҳоли пунктларига ҳужум қилмоқдалар ва иқтисодий объектларни вайрон этмоқда-лар. Шу жиноий ҳаракатлар-дан кузатилган мақсад — ёш республиканинг бошқарув системасини ва халқ ҳўжа-литини пароканда қилишдан иборат. Газандалар мамлакат Жанубига Намбия терри-то-риясидан ҳужум қилмоқда-лар, ЖАР жанговар қисма-ларининг мададига таянмоқда-лар. Заир территориясида уя қўриб олган сотқин контр-революцион тўдалар шу ер-дан туриб Ангола шимолига

жиноий ҳуружлар қилишни кенгайтирмоқдалар.

Анголанинг АНГОП ахборот агентлиги ўқитириб ёзи-шча, АХРнинг жанубида ҳозир 10 мингдан кўпроқ жауний африкалик оккупаци-ячи туланиб турибди. Яқинда ЖАР армияси АХР-га қарши яна агрессия қи-либ, Мошико вилоятидаги Кангамба шаҳрини бомбалар ёғдириб ер-юздан супуриб ташлаш ва УНИТА газанда-лари билан биргаликда шу районни ишғол қилиш операциясини ўт-казди. Ирқчиларнинг доимий равишда бостириб кираётган-ликлари, шунингдек улар Ангола территориясининг бир қисмини оккупация қи-либ турганликлари, муҳим иқтисодий объектларни вай-рон қилаётганликлари рес-публикадаги вазиятни жид-дий равишда чигаллаштир-моқда, деб хабар қилади агентлик.

Ангола дйёрида қилинаёт-ган жиноятлар учун асосан Жанубий Африка газанда-лари жавобгардир, деб ўқ-тиради АНГОП агентлиги.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

БАЙРУТ. 23 август. (ТАСС). Ливан ватанпарвар-лари Сайда ва ТИР шаҳар-ларини бир-бири билан бог-ловчи тош йўлда иккита му-ваффақиятли операция ўт-каздилар ва исроиллик бос-қинчиларнинг аскарлари ҳам-да техникасига анча талафот етказдилар.

Партизанларнинг бир груп-паси Зирария қишлоғи атро-фида босқинчиларнинг ме-ханизацияланган соқчилари-га дадил ҳужум қилди ва уч қарбий автомашинани яқсон қилиб, ақнаб аъзоларидан бир неча кишини ўлдирди ва жароҳатлантирди. Исроил-ликлар бу ерга юборилган бў-линмалари шу жойни қур-шаб олдилар ва тўғри келган томонга ўқ уздилар. Бошқа бир операция Сарафанд қиш-



АҚШ, Қишлоқ меҳнаткашлари «Кэмпбелл суп» кампаниясига ўз норозиликларини билдириш учун 900 кил ометрдан кўпроқ йўл босиб, Камден шахрига келдилар. Улар озиқ-овқат консервлари ишлаб чиқарадиган бу кампания хўжайинларидан ўзларининг қасаба союзларини тузиш тўғрисидаги қонуний талабларини қонди-ришни қатъий талаб қилдилар. Суратда: 900 километрик юрш қатнашчилари. АП—ТАСС фотоси.

ФИЛИППИН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

МАНИЛА. 23 август. (ТАСС). Филиппин прези-денти Ф. Маркос яқинда ўнг буржуазия оппозициясининг раҳбари, сойқ сенатор Б. Анино ўлдирилганлиги муно-сабати билан келиб чиқиши мумкин бўлган тартибсизлик-ларнинг олдини олиш мақса-дида мамлакатда тўв қарбий ҳолат қўриб этилиши мўл-жалланаётганлиги тўғрисида-ги овозларни рад этди. Пре-зидент журналистлар ҳузур-ида гапириб, ҳукумат мам-лакатдаги вазиятни тўла контроль қилиб турибди, де-ди. Мамлакатдаги вазият эса умуман осойишта сакланиб қолмади. Президент ҳуку-мат Б. Анинонинг ўлдирили-шига қандайдир алоқадор эканлигини қатъийан рад эт-ди.



1865 йилда Тошкентнинг Россия таркибига кириши шаҳарнинг тез орада Урта Осиёда энг йirik сибсий ва маданий марказга айланишда муҳим аҳамият касб этди. Кўп ўтмай Тошкентда халқ ҳаётидаги асосий воқеаларнинг даражасини илгор мақомадан туриб баҳо-ловчи янги ўзбек маърифатпарварларининг куярлати тўдаси таркиб топди. Улар кўпгина ибратли ишларни амалга оширилди. Жумладан, Россиянинг марказий шаҳарларига, ҳатто Германия, Франция, Англия, Ита-лия сингари мамлакатларга бориб, европача ҳаёт тарзини, янги замон маърифатини Туркистонда ёкиш-дек буюк жасорат кўрсатдилар.

Бугун газетонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ҳикоя-миз икки машҳур ўзбек маърифатпарварининг саъҳат-лари ҳақиқидир.

ЎЗБЕК халқи маданияти тарихига биринчи босма дарслик автори сифатида кирган машҳур маърифат-парвар — педагог Сайдрасул Сайдазизовнинг Москва ҳам-да Петербургда қилган саъ-ҳати «Туркистон вилояти-нинг газети»да 1910—1911 йилларда чоп этилган таас-суротлари революциядан олдинги «Саъҳатнома»лар орасида алоҳида ўрин эгал-лайди.

Гап шундаки, Тошкентда-ги 1-сон рус-тузем мактаби-ни тутатган ва шу мактабда ўқитувчи лавозимига илган Сайдрасул домла ўтган асрининг 90-йилларида ва ас-рининг бошларида ўлмади рус маърифатпарварлари билан, шунингдек, Россия-нинг ичкари қисмидан тур-ли ишлар юзасидан Турки-стонга келган атоқли рус олимлари билан дўстлашиб, уларга ҳаммаслақ, ҳамдир

САЁҲАТДАН ЖАСОРАТГА

МАДАНИЯТИМИЗ ТАРИХИДАН

заёли сифатида иш тутган эди. Революциядан олдинги босма нашрлар ва архив манбалари Сайдрасул дом-ланинг Бартольд, Самойлов-сингари машҳур шаръ-шунослар билан доимий му-носабатда бўлганлигини, Мос-ква ҳамда Петербургда эса Веселовский, Радлов, Шве-дов сингари таниқли олим-лар билан қизилари суҳ-батлар ўтказганлигини кўр-сатади.

Хуллас, 1910 йили Рос-сия саъҳатида қадар Сайдрасул домла Туркистоннинг йirik маърифатпарвар-пе-дагогларидан бири сифатида танилган, таниқли рус маъ-рифатпарварлари, дўсти Гра-мскийнинг таклифи ва кат-га ёрдами билан яратилган «Устоди аввал» дарслиги 7—8 марта нашр этилган бў-либ, ўзи эса рус тилини му-камал билар эди. Шу вақ-дан бўлса керак, у ўз «Саъ-

ҳатнома»сининг дастлабки қисмидан бошлабқол юртдош-ларини улуг рус тилини ўр-ганишга даъват этади, рус тили мамлакатдаги бошқа миллат кишиларининг катта ҳаёт йўлида қўйилмай, адаш-май оқим ташлашларида го-ят муҳим омили эканлигини таъкидлайди.

Самара шаҳрига етгач, тун қоронғусида бир поезд-дан иккинчи поездга кўчиб ўтиш зарурати баҳона бўла-ди-ю, Сайдрасул домла кўнглида асраб юрган ва юртдошларига албатта маъ-лум қилмоқчи бўлган гаплар-ини тўкиб солади: «Андоқ жойда мусофирларнинг адашмоғи жуда кўб. Ҳар вақт мундин ҳоли бўлмай-дур. Хусусан, русча сўз-лашмоғи билмаган одамлар адашмоғи жуда осон ва ҳар вақтда воқе бўладур. Ул жойда русча сўзлашмоғи билладурган одамлар ҳар не-чук бўлса ҳам ўз ҳавойин-ларни ислоҳига бемашқатқат восил бўлмоқда экан». Бун-дан Сайдрасул домла назар-да тутган даражада рус ти-лини билиш фақат поезддан поездга кўчиш учунгина бўл-май, инсоннинг бутун ҳаёт-мамоти учун бениҳоя зарур эканлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Сайдрасул домла «Саъҳат-нома»сида ундан олдинги сайёҳларда учрамайдиган Рязань шаҳри тасвири анча кенг ўрин олади. Зотан,

Сайдрасул домлани Марка-зий Россия шаҳарлари саъ-ҳатида тақлиф этган ва қи-зиқтирган шахс ҳам асли рязанлик бўлиб, фамилияси Блюмер эди.

Сайдрасул домланинг Мос-ква саъҳатида ҳам ўша Блю-мер ҳамроҳ бўлади. Москва-да сайёҳнинг эътиборини ав-вало Кремль жалб этади. Кремль ички айланидан Сайдрасул 1812 йилдан урушда ўлка олинган ва у ерда сақланаётган тўпларни кўриб, «Туркистон вилояти-нинг газети» ўқувчиларига 1812 йили Наполеон армия-сига қарши олиб борилаган мардонна жанглар ҳақида го-ят қизикарли ҳикоя қилади: «Ул ўрданинг саҳнида бир неча минг тўплар сақланиб ётадур. Алар ҳаммаси фран-сузлар подшоҳи Нафалон деганининг тўплари эканки, анинг қиссаси қисқа дара-жада бўладур: 1812 йчи йил-да Нафалон уч юз минг ас-кар биле Россия тарафига келуб, уруш қилуб, бил хайр Масковни ҳам олиб, аскар-лари биле Масков шаҳрида тўхтаган замонида қиш вақ-ти экан ва ҳам Масков хал-қи ҳама бор нарсаларини олиб, Масков шаҳрини таш-лаб қочиб кетган экан. Ул вақтда Масковда шаҳарлик фуқародин ҳеч ким қолмай, шаҳар ҳеч қолган сабабли аскарига ва хайвонотлари-га овқат бўлмай, Нафалон аскарлари хароб бўлуб, совуқ-

дин халок бўлуб, қолганла-ри ҳам асбобларин ташлаб, ўз-ўзидан қочиб кетган эканлар. Аммо Нафалон де-ган фаранг подшоҳи Масков шаҳрида икки кунгина ту-руб, мурунати қилган экан. Ул ўрда саҳнидаги тўплар биргина Нафалонники бўл-май, бошқа ҳар хил подшоҳ-лар тўплари ҳам айда бор. Сабаб шулки, Нафалон қи-либ зўр подшоҳ бўлуб, бошқа бир неча подшоҳларни ша-ҳарларин олиб, аларнинг ас-лаҳаларин йиғуб олиб кел-ган. Аларнинг ҳаммасин Масковдин қотган вақтида Масковда қолдуруб, олиб кетмақда имкон бўлмаган.

Сайдрасул Москва Кре-млидаги эътиборига лойиқ жи-ҳатларинг барчасини ўзбек сайёҳлари орасида биринчи бўлиб кенг ва атрафлича тасвирлайди. Унинг 1576 йилда Масковда қуюлган Царь-пушка (подшоҳ тўп)-дан, Царь колокол (подшоҳ қўнғироқ)дан, Оружейная па-латадан олган таассуротлари ўша давр газетчида катта қизиқиш ва ҳаяжон пайдо қилганлигига шубҳа йўқ. Ўша давр Туркистон ҳаёти учун сифа ҳам хос бўлмаган Мос-квадаги электр трамвайлар, автобобиллар, водопровод, асфальт кўчалар, кўп қават-ли уйлардаги лифтулар ҳақи-да ҳам биринчи марта «Саъ-ҳатнома»да ҳикоя қилинади.

Қасби педагог бўлган Сайдрасул, турган гапки,

Ш. ЮСУПОВ.
(Давоми бор).

